

O'ZBEKISTON

ОЛИЙ НЕЪМАТ, ШАРАФЛИ МАСЪУЛИЯТ,
БУЮК ИМКОНИАТ!



OVOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2006-yil • 1-avgust • Seshanba • 87 (27.579) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

ВОДИЙ ДУРДОНАСИ



Марғилон шаҳрининг
2000 йиллиги олдидан

Мустақиллик йилларида қадим Марғилон тамомила янги кийимга кийиб, улкан ўзгаришлар томон юз тутди. Қисқа давр ичида ўнлаб маъмурий ва маданий-маширий иншоотлар бунёд этилди. Айниқса, замонавий услубда қайта жилонланган Бурхониддин Марғинович ёдгорлик мажмуи нафақат шаҳарнинг, балки бутун водийнинг дурдонасига айланди. Янги замон билим масканлари бўлган педагогика ва тиббиёт коллежлари фойдаланишга топширилди. Маъмуржон Узоқов номидаги маданият ва истироҳат боғини улғувор арка, машҳур инсонлар хиббони беэзаб турибди. Янги йўллар қурилди, боғ ва хиббонлар яратилди.

Президентимизнинг «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қароридан сўнг бу ишлар янги босқичга кўтарилди. Ижтимоий-маданий инфратузилмани ривожлантириш дастури ва корхоналар ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар нафақат марғилонликлар, балки бутун водий ахлини хушнуд этди.



Суратларда: Марғинович ёдгорлик мажмуи; М.Узоқов номидаги шаҳар маданият ва истироҳат боғидаги арка; Марғилон ёшлари ҳар соҳада пешқадам.



Рустам ШАГАЕВ (Ўза) олган суратлар



ШЕЪРИЯТ АНЖУМАНИ

Истиқлолнинг 15 йиллиги арафасида юртимиз бўйлаб Ватанни улғувчи, халқимиз ҳурлиги ва озодлигини мадҳ этувчи кўплаб тадбирлар, анжуманлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Паркент туманида бўлиб ўтди. «Мустақиллик мушоираси» деб номланган мазкур анжуманга таниқли шоирлар, жамоат арбоблари, ёш умидли қаламкашлар ҳамда шеърят мухлислари таклиф этилди.

Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилоят бўлими раиси, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров уюшма вилоят бўлими томонидан қилинган ишларга тўхталар экан, унинг аъзолар сони ёш ижодкорлар ҳисобига тобора кенгайиб бораётганини таъкидлади. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов юртимизда ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар истеъдодини рўёбга чиқариш борасидаги ижобий ютуқлар ҳусусида сўз юритиб, бу каби анжуманларни ҳар йили ўтказиш таклифини ўртага ташлади.

Шундан сўнг сўз олган тадбир қатнашчилари йирилганларга ўзларининг Ватанни мадҳ этувчи янги шеърларидан ўқиб бердилар. Мушоира баҳона ёш ижодкорлар устоз шоирлар олдида имтиҳондан ўтдилар. Бир гуруҳ санъаткорларнинг чиқишлари эса даврага ўзгача файз киритди.

Анжуманда Тошкент вилояти ҳокими Мирзамашраб Куччиев иштирок этди.

Жасур РУҲИДДИН

«ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАРИ

Ливаннинг Кана аҳоли пунктида 60 нафар тинч аҳоли асосан болалар ва аёллар Исроил ҳарбий ҳаво кучлари томонидан амалга оширилган ғайриинсоний бомбардировканинг бегуно қурбонига айланганлиги ҳарбий ҳаракатларнинг тўхтатилиши зарурлигини яна бир қарра тасдиқлади.

Нима учун норасида болалар ўз ҳаёти билан катталар содир этган жиноятлар учун жавоб беришлари кераклигини халқаро ҳамжамиятнинг қабул қилиши мушкулдир.

Ўзбекистон жамоатчилиги БМТ Бош қотиби Кофи Аннанинг Ливанда ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлайди.

Давом этаётган ушбу инқирозни Ливан томони ва Исроил ўртасидаги қуроли тўқнашуларга чек қўйиш ва музокараларгина тўхтатиши мумкин.

ТАЪМАГИР

Таъмағирнинг иши таъмағир билсанг,
Таъма қони чиққай томирин тилсанг.
— Қанча олдинг дея сўрар сендан ҳам,
Агарда бировга яхшилик қилсанг!

Абдулла ОРИПОВ,
2006 йил, 31 июль.

МАРКАЗИЙ БАНК:

БОШ МАҚСАД — БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ ВА КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Мустақиллик йилларида шонли саналарни, улғу байрамларни муносиб ютуқлар билан кутиб олиш яхши анъананага айланиб қолди. Газетамиз таҳририяти мамлакатимиз мустақиллигининг муборак 15 йиллик тўйи олдидан турли соҳа раҳбарлари билан суҳбатлар уюштириб келмоқда. Бугунги суҳбатдошимиз Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси, республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи Ф.М.МУЛЛАЖОНОВ.

— Ҳурматли Файзулла Мақсуджонович, маълумки, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, Ҳукумат ва Марказий банк олдида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани муомалага киритиш орқали мустақил пул тизимини, айтиш чоғда сифат жиҳатдан янги банк тизимини яратиб беришга ўта масъулиятли вазибалар турар эди. Суҳбатимиз бошида ўша кунларни бироз хотирласак.

— Ўша пайтларда олдимизда бири-биридан чигал, мураккаб масалалар устма-уст бўлиб ётарди. Уларнинг ечи-

мини топиш катта билим, салоҳият ва жасорат талаб қилар эди. Аввало шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалиётга татбиқ этилаётган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели мана, орадан 15 йил ўтиб, ўзининг қанчалик одил ва халқларвар сиёсат эканлигини кўрсатмоқда. Эътиборли томонларидан яна бири шундаки, банк ислохотларини амалга оширишда ҳукуматимиз аҳоли ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратди.

Буни миллий валютанимизга ўтиш мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Маъ-

лумки, давлат мустақиллигининг асосий шартларидан бири — миллий пулимизни жорий этиш учун қанчалаб синовлардан ўтдик, қанча муаммолар ечимини топишга тўғри келди. Ўша пайтларда «Нима учун ўз пулимизга ўтмаяпмиз?» деган саволлар кўп эди. Ушунда Президентимиз янги пулга ўтиш бу — бир инқилоб билан баробарлиги, бунинг учун аввало катта ва аниқ ҳисоб-китоб, аҳоли ва иқтисодиётимизни ҳимоялаш каби кўпдан-кўп масалаларни ҳал этиб, пул-валюта ислохотига ўтишга замин яратиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Аделаида университети (Австралия) профессори Ричард Помфрет Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш моделларини қиёсий таҳлил этиб, ўтиш даврида Ўзбекистонда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг яхши стратегияси ишлаб чиқилганлигини таъкидлагани ҳам фикримиз исботидир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки

йилларидаги иқтисодий қийинчиликлар ортда қолди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда жадал иқтисодий ўсиш суръатлари кузатилиб, макроиқтисодий барқарорлик тўлиғича мустақамланган ҳолда инвестицион фаоллик тобора ошиб бормоқда. Ташқи савдонинг ривожлантиришга йўналтирилган тадбирлар, жумладан экспортни қўллаб-қувватлашга қаратилган валюта сиёсатининг амалга оширилиши жорий операциялар бўйича қолдиги ижобийлиги сақланган ҳолда, олтин-валюта захираларимиз ҳажми ошиши давом этмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари 2005 йил якунларига бағишлаб Вазирилар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан ўтган давр мобайнида демократик янгиликлар, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида, ҳеч шубҳасиз ул-

кан қадамлар қўйилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, иқтисодиётимиз ривожланишида қўлга киритаётган ютуқларимизнинг ижобий натижалари аҳоли реал пул даромадларининг ўсишида ўз аксини топмоқда. Масалан, 2000-2003 йилларда аҳолининг пулдаги реал даромадлари ўртача 8-9 фоизга ошган бўлса, 2004 йилда пулдаги даромадлари 17,6 фоиз, 2005 йилда эса 44 фоизга ошди...

Маълумингизким, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишни ўз бошидан кечирган барча мамлакатлар инфляциянинг юқори суръатлар билан ўсиш муаммоси билан тўқнашганлар. Биздаги инфляция негизда собиқ Иттифоқнинг тарқалиши натижасида иқтисодиётдаги тузилмавий номуното-сублик, узоқ йиллар давомида нархларни давлат томонидан тартибга солиб туриш механизмининг тугатиши ва қисқа мuddатда эркинлаштириш сабаблари ётар эди.

Ўтган даврда ушбу макроиқтисодий муаммолар ечимини топишда Марказий банк томонидан олиб борилаётган истеъмол товарлари нархлари ўсишининг олдини олиш ва валюта курси динамикасини бир маромда ушлаб туриш орқали миллий валютанимиз барқарорлигини таъминлашга қаратилган монетар сиёсатнинг роли бекиёб бўлди.

Марказий банкнинг бош мақсади «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга асосан миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлиб, у Ҳукуматнинг макроиқтисодий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда, инфляцияни босқичма-босқич пасайтириш ва уни паст даражада ушлаб туришга қаратилган катъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириб бормоқда.

МАРКАЗИЙ БАНК:

БОШ МАҚСАД — БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ ВА КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ



Жаҳон олимларининг хулосаларига кўра инфляция даражаси ўн барикгача бўлган ҳолда бошқарилиши ва ҳатто инвестицион жараёнларни рағбатлантириши мумкин бўлиб, унинг 10-12 фоиздан юқори бўлиши иқтисодий ўсишни секинлаштириб ишсизликнинг кўпайишига олиб келади.

Охириги йилларда Марказий банк пул массасини ЯИМ ўсишига мутаносиб равишда ошириб бориш билан бирга пул-кредит кўрсаткичларининг белгиланган параметрларда бўлишини таъминлаб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган ярим йиллигида республикамизда инфляция даражасига монетар омилининг таъсири сезиларли даражада пайсатирилиши натижада истеъмол баҳолари индексининг 3,5 фоиз даражада бўлишига эришилди ва бу белгиланган прогноз кўрсаткичидан 1,2 фоизли бандга пасдир.

Республикамиз иқтисодиётидаги инфляция жараёнлар таҳлили борасида шуни айтиш керакки, истеъмол маҳсулотлари нархларининг ўсишига монетар ва ташқи иқтисодий омиллар — ёқилга ва электр энергияси, гўш ва гўшт маҳсулотлари, шакарнинг харид нархири жаҳон бозориде кескин ошиб кетиши сабаб бўлмоқда.

Номонетар омилининг инфляция даражасига таъсири пайсатириш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк Ҳукумат билан биргаликда инфляцияга қарши курашиш дастурини ишлаб чиқди ва уни амалиётга таъбиқ этиб бормоқда.

Чунончи, жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтириши рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, қимматли савдолари орқали аҳолига 12 миң босдан ортқ қорамол сотилди. Шунингдек, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини сотиб олиш учун ва пулга етиштиришни рағбатлантириш мақсадида, банклар томонидан 11,2 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигида етиштирилган мева ва сабзавотлардан самарали фойдаланиш ва уларнинг нобудгарчилигига йўл қўямаслик мақсадида, 2006 йил 7 июлда Президентининг «Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш учун фермер хўжалиқларини замонавий ускуналар ва мини-технологиялар билан таъминлаш борасидаги тақлифларни тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳи тузиш тўғрисида» фармойиши эълон қилинди. Ушбу фармойишда кўрсатилган вазибаларнинг бажарилиши йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг юқори даражада тебаранишини олдини олиш ва ушбу маҳсулотларнинг нобудгарчилигига йўл қўямасликка олиб келади.

Ҳукумат кўрсатмалири асосида Марказий банк томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар 2006 йилда инфляция даражасининг белгиланган мақсади кўрсаткичларда бўлишини таъминлаш ва келгуси йилларда инфляциянинг паст даражада бўлишига хизмат қилади.

— Шу ўринда миллий валютанимиз барқарорлигини таъминлашда Монетар сиёсат ҳамда валютани тартибга солиш соҳасида амалга оширилган тадбирлар ҳусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Миллий валютанимиз барқарорлигини изчил таъминлаш учун банк олдиға бир қатор вазибалар қўйилган. Жумладан, тизим зиммасига айни Сизнинг саволингизда монанд бўлган монетар ва валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатларни қабул қилиш ва амалга ошириш вазибалари юқулатилган.

Тарихий ривожланишнинг 15 йили ичида Марказий банк қайта молиялаш ставкасини доимий равишда ўзгартириб борди. Масалан, 1995 йил февралда қайта молиялаш ставкаси 250 фоизгача оширилган бўлса, март ойидан бошлаб у 300 фоиз этиб белгиланди. Бу албатта жуда юқори кўрсаткич бўлиб ўша даврдаги инфляция даражасига мос эди. Маълумингизки, Президентнинг бошчилигида олиб борилаётган иқтисодий сиёсатимиз хар қандай «инклубиб» жараёнлар (шок терапияси)дан холи бўлиб ривожланишининг босқичма-босқич йўлини танлаганимиз.

Марказий банк ҳам олиб борилаётган монетар сиёсатини, жумладан, фойз сиёсатини

барқарорлигини таъминлашда ушбу йўлни давом эттириб, инфляция даражаси ва пул бозоридеги ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, қайта молиялаш ставкасини пайсатириб борди. 1996 йилнинг бошлангишида бу кўрсаткич 84 фоиз бўлган бўлса, 2001 йилға келиб 24 фоизға туширилди ва 2005 йилда йиллик ҳисобда 16 фоиз даражасида ушлаб турилган ҳолда, 2006 йилнинг 15 июлидан бошлаб 14 фоиз қилиб белгиланди.

Шунингдек, Халқаро банкчилик фаолияти тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мажбурий захира талабларидан ҳам миллий валютанимиз барқарорлигини таъминлаш мақсадида фойдаланилди. Мажбурий резерв талаблари пул массаси ўсишини тартибга солиб, тижорат банкларининг омонатчилар ва инвесторлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажара олишларини таъминлаб туради.

2005 йилнинг 1 августидан бошлаб жалб қилинган депозитлар ва омонатлар тоифаси бўйича барча банклар учун бир хилда, миллий валюта бўйича — 15 фоиз ва хорижий валюта бўйича — 8 фоиз қилиб белгиланди. Инфляциянинг пайсатириш масаласи қўйилди. Марказий банк Ҳукумат билан биргаликда республика банк тизимини компьютерлаштириш концепциясини ишлаб чиқди. Вазирилар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июлдаги 362-сонли қарори қабул қилиниши бу борада тўлов тизими ривожига асос бўлди.

Қарорға кўра банклар 1996 йил 1 январьга, кейинчалик 1997 йил 31 декабргача солиқлардан озод қилинди ва маблағлар — банк ички локал компьютер тармоқларини ташкил этишга, маълумотларни узатишнинг замонавий технологияларини жорий қилишга ва шунингдек, банк тизимида ҳисоб-китобларни автоматлаштиришни ривожлантиришга йўналтирилди.

Шунга асосан барча банклар замонавий телекоммуникацион ва техника жиҳозлари билан таъминланиб, республика миқёсида банк ахборотларини узатиш бўйича янги телекоммуникацион тармоқ яратилди. Маълумот узатишнинг бундай янги шакли — электрон тўловлар тизими Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкда яратилди.

Тўловларнинг электрон шакли 1995-1996 йиллар ичида мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олди. Натижада ҳисоб-китоблар ҳужжатларини ўтиш вақти 1-3 ойдан 1-3 дақиқачага (кейинчалик реал вақтида) амалга оширилишига эришилди. Миллий тўлов тизимини барпо этиш ва банкларни автоматлаштириш, яъни, бутун халқ хўжалиги мажмуининг тўғри фаолият кўрсатиши учун ўта қисқа муддатларда хўжалик юртувчи субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни сифатли ва тез ўтишини таъминлаш зарур бўлган шароитда, бу энг тўғри йўл эди.

Президентимиз Вазирилар Маҳкамасида 2005 йил янвурлари тўғрисида сўзлаган маърузаларида «Банкдан ташқари пул айланишини кескин қисқартириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта барқарорлигини ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда пластик қарточкалардан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бундан бунён ҳам эътиборимиз марказида бўлиш даркор» деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Ушбу вазибалардан келиб чиққан ҳолда, банк тизимида аҳолиға кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари турини кенгайтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенг жорий этиш, жумладан пластик қарточкалардан фойдаланишни ривожлантириш ва банклар томонидан аҳолиға қўлай омонат турларини тақлиф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қўриб борилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида, тижорат банклари томонидан чиқарилган пластик қарточкаларнинг умумий сони ўтган йилнинг 1 июль холатиға нисбатан 1 млн. 879 миңтаға ошиб, 2006 йилнинг 1 июль холатиға кўра 3 млн. 30 миңтаға ва пластик қарточкалар устив капиталини 1 млрд. доллар миқдориде шакллантириш имконини яратди. Ушбу маблағлар иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Энг аввало, бу — мамлакатимиз ҳудудларида мавжуд минерал хомашённинг бой захираларидан халқини сиқаровонлиги йўлида фойдаланишга қаратилди.

Маълумотларға кўра, мамлакатимизда табиий газининг умумий ресурслари 7,8 трлн. куб метрни, нефть ва конденсат ресурслари эса, салкам 1 млрд. тоннани ташкил этади. Умуман олганда, республикадаги фойдаланиш қазилма ресурслари қарийб 11 трлн. АҚШ доллар миқдориде баҳоланмоқда, улардан қидириб топилганларини ҳозирча атиги 17% ни ташкил этади, холос.

Ишлаб чиқаришни янги босқичға қўтариш орқали мавжуд хомашёнларни тўлимиға қайта ишлашни таъминлайдиган энгил санонат ва тўқимачиликни ривожлантириш — бугунги кўннинг гоят муҳим масалаларидан би-

ридир. Ҳукуматимиз томонидан халқ таълими, хусусан мактаб таълимини ривожлантириш умумийлиги дастури ва солиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби инсон манфаатлари йўлида сармоя сарфлаш — инвестициянинг энг оқилона турларидан биридир.

— Энди кўнун асосида Марказий банк олдиға қўйилган вазибалар ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Миллий валютанимиз барқарорлигини таъминлашға хизмат қилувчи кўнун билан белгиланган Марказий банкнинг навбатдаги вазибалари, бу — республикамизда ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлашдир.

Мамлакатимизда мустақиллик эълон қилинган кўндан эътиборан тўлов тизими таҳлил қилиниб, тўловларнинг амалға оширилишини жадаллаштириш масаласи қўйилди. Марказий банк Ҳукумат билан биргаликда республика банк тизимини компьютерлаштириш концепциясини ишлаб чиқди. Вазирилар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июлдаги 362-сонли қарори қабул қилиниши бу борада тўлов тизими ривожига асос бўлди. Қарорға кўра банклар 1996 йил 1 январьга, кейинчалик 1997 йил 31 декабргача солиқлардан озод қилинди ва маблағлар — банк ички локал компьютер тармоқларини ташкил этишга, маълумотларни узатишнинг замонавий технологияларини жорий қилишга ва шунингдек, банк тизимида ҳисоб-китобларни автоматлаштиришни ривожлантиришга йўналтирилди.

Шунга асосан барча банклар замонавий телекоммуникацион ва техника жиҳозлари билан таъминланиб, республика миқёсида банк ахборотларини узатиш бўйича янги телекоммуникацион тармоқ яратилди. Маълумот узатишнинг бундай янги шакли — электрон тўловлар тизими Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкда яратилди.

Тўловларнинг электрон шакли 1995-1996 йиллар ичида мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олди. Натижада ҳисоб-китоблар ҳужжатларини ўтиш вақти 1-3 ойдан 1-3 дақиқачага (кейинчалик реал вақтида) амалға оширилишига эришилди. Миллий тўлов тизимини барпо этиш ва банкларни автоматлаштириш, яъни, бутун халқ хўжалиги мажмуининг тўғри фаолият кўрсатиши учун ўта қисқа муддатларда хўжалик юртувчи субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни сифатли ва тез ўтишини таъминлаш зарур бўлган шароитда, бу энг тўғри йўл эди.

Президентимиз Вазирилар Маҳкамасида 2005 йил янвурлари тўғрисида сўзлаган маърузаларида «Банкдан ташқари пул айланишини кескин қисқартириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта барқарорлигини ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда пластик қарточкалардан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бундан бунён ҳам эътиборимиз марказида бўлиш даркор» деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Ушбу вазибалардан келиб чиққан ҳолда, банк тизимида аҳолиға кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари турини кенгайтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенг жорий этиш, жумладан пластик қарточкалардан фойдаланишни ривожлантириш ва банклар томонидан аҳолиға қўлай омонат турларини тақлиф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қўриб борилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида, тижорат банклари томонидан чиқарилган пластик қарточкаларнинг умумий сони ўтган йилнинг 1 июль холатиға нисбатан 1 млн. 879 миңтаға ошиб, 2006 йилнинг 1 июль холатиға кўра 3 млн. 30 миңтаға ва пластик қарточкалар устив капиталини 1 млрд. доллар миқдориде шакллантириш имконини яратди. Ушбу маблағлар иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилди. Энг аввало, бу — мамлакатимиз ҳудудларида мавжуд минерал хомашённинг бой захираларидан халқини сиқаровонлиги йўлида фойдаланишга қаратилди.

Борилаётган кўндалик ишлар изчиллиги таъминланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2005 йил 15 апрель) қарори асосида банкларни капиталлаштириш даражасини ошириш орқали, тизимнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва банкларнинг иқтисодиётдаги воситачилик ролини ошириш юзасидан ҳам комплекс чора-тадбирлар амалиётға жорий топмоқда.

Жорий йилнинг дастлабки 1 ярим йиллигида банкларнинг устив капиталға ўтган йилнинг шу давриға нисбатан 16,6 фоизға ва активлари 24,8 фоизға ошди. Уларнинг барқарор ресурс базасини шакллантириш бўйича қилинган ишлар самараси — банкларнинг кредитлаш имкониятларини кенгайтиришди. Ушбу даврда тижорат банклари томонидан реал секторға миллий валютада ажратилган кредитлар миқдори 34,3 фоизға ошган ҳолда мазкур кредитларнинг 70 фоиз узоқ муддатли кредитларни ташкил этди.

Аҳолининг, жумладан, узоқ ҳудудларда жойлашган фермер хўжалиқлари ва бошқа тажрибдорлик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланишларида қўлайликлар яратиш мақсадида ташкил этилган мини банклар сони ўтган йилнинг шу давриға нисбатан 358 таға кўпайди ва ҳозирда уларнинг сони 1748 таға етди.

Мижозларға касса хизматлари кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтириш ва аҳолиға коммунал тўловларни амалға оширишда қўлайликлар яратиш йўлида тижорат банклари томонидан ташкил этилган махсус жамғарма кассалари сони 800 тадан ошди.

Давлатимиз раҳбари 2005 йил янвурларида сўзлаган маърузаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлариға микрокредитлаш ва микролизинг бўйича хизматлар кўрсатишға ихтисослашган банк ташкил қилиш тақлифини илгари сурган эди. Шундан сўнг бўлажак банк устив фонддини ташкил этиш ва манбаларини топш билан боғлиқ масалалар тўла ҳақ бўлган, аҳолиға кредит ажратилишини кескин кўпайтириш мақсадида, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги (ПФ-3750-сонли) Фармони эълон қилинди. Фармонға мувофиқ «Тадбиркорбанк» акциядорлик-тижорат банки негизиде «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Ҳозирда ушбу банкнинг республикамиз ҳудудларида жами 74 та филиали ва 165 та минибанклари фаолият олиб бормоқда.

Хусусан, «Уй-хой бозори ва уй-хой қурилишини ривожлантириш тўғрисидаги» (2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сонли) қарорға мувофиқ Марказий банк иштирокида ишлаб чиқилган «Ипотека тўғрисида»ги Қўнун лоийҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик Палатаси томонидан 2006 йил 28 июнда учинчи ўқишда қабул қилинди ҳамда Олий Мажлис Сенатига тақдим этилди.

Шунингдек, Марказий банк томонидан Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси, Фермер хўжалиқлари уюшмаси, Савдо-санонат палатаси, тижорат банклари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредитлаш фаолияти билан шуғуллашган тажрибдорлик билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қўнун лоийҳаси тайёрланди. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатаси томонидан (2006 йил 22 июнда) учинчи ўқишда қабул қилиниб, тасдиқ учун Олий Мажлис Сенатига юборилди. «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Қўнун лоийҳаси эса, Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 24 февралда ўтган бешинчи ялпи мажлисида маъқулланган ва у 2006 йил 10 майда матбуотда расмий эълон қилиниб, кучға кирди.

Амалға оширилган чора-тадбирлар пировардида жорий йилнинг биринчи ярмида хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларини ва фермер хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар миқдори кескин ортиб, бугунги кўндeги ҳажми 720 млрд. сўмини ташкил қилмоқда. Жумладан, бошлангич сармомияни шакллантириш учун 2006 йил 1 июль холатиға кўра қарийб 10 миңтаға яқин кичик бизнес субъектлариға ажратилган кредитлар 12,1 млрд. сўмиға етди. Бу — ўтган йилнинг худди шу давриға нисбатан 20 фоизға юқори. Шунингдек, хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва уларға янги иш ўринлари яратиш мақсадида 13,5 млрд. сўм кредит ажратилди. Бу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу давриға нисбатан 2,7 млрд. сўмиға ёки 25 фоизға кўп.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқда, реал секторға миллий валютада ажратилган кредитлар миқдори ялпи ички маҳсулот ўсиш тенденциялариға мос равишда ошиб бормоқда ва у иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларда бўлишини таъминлашға хизмат қилмоқда.

Ўтган давр ичида кредит уюшмалари тизимида тўла ҳуқуқий асослар яратилди. Амалға оширилган чора-тадбирлар замирида биргиға 2006 йилнинг ўтган даврида фаолият кўрсатишлари учун 7 та кредит уюшмасига лицензиялар берилиб, уларнинг умумий сони 31 таға етказилди.

Бундан ташқари, аҳолини ва кичик бизнес субъектларини кредитларға бўлган эътиҳини тўла қондириш борасида ҳам қатор қўлайликлар вужудға келтирилди. Марказий банк томонидан ҳисобот даврида 2 та ломбард ташкилотига лицензия берилди ва ҳозир улар сони 9 тани ташкил этди.

Марказий банкнинг қўнун асосидаги яна бир муҳим вазибалар Давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазири билан биргаликда ташкил этишдан иборат. Бугунги кўндe Республика давлат бюджетининг касса ижроси, 2006 йил 14 декабрда қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қўнун асосида Молия вазирилик, Давлат солиқ Қўмитаси ҳамда республика банклари томонидан қўнунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда амалға оширилмоқда. Марказий банк ҳукумат банкни, маслаҳатчиси ва фискал агенти сифатида унга ўз вазифаси ва ваколатига дахлдор вазибалар, шунингдек, иқтисодий ва молиявий масалалар ҳамда давлат бюджетини тайёрлаш юзасидан зарур тақлиф ҳамда тавсиялар бериб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат бюджетининг газначилик ижроси тўғрисида»ги Қўнун 2006 йил 1 январдан кучға кирди. Унинг 4-моддасида «Давлат бюджетининг газна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона газна ҳисобварағига қиритишдан, шунингдек, Давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат» деб қайд этилган. Жорий этиладиган газначилик тизимида солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган барча солиқлар Марказий банкда очилган ағона газначилик ҳисобварағига тўланади ва Марказий банк томонидан мазкур ҳисобварақ бўйича қўчирма Марказий газначиликка тақдим этилади. Марказий газначилик эса солиқ тўловчилар бўйича таҳлил қилиш учун Давлат солиқ Қўмитасига, Давлат божхона Қўмитасига, Молия вазириликка ва газначиликнинг вилёят бошқармаларига маълумотнома бериб.

— Марказий банк ва банк тизими олдида турган бугунги устувор вазибалар нималардан иборат?

— Марказий банкнинг қўнун асосида белгиланган бош мақсади ва унинг ўз асосий вазибаларини бундан кейин ҳам шараф билан бажариши ҳамда банк тизимида олиб борилаётган ислохотларини таъминлаш бўйича яна бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиққанмиз. Масалан; миллий валюта барқарорлигини таъминлаш ва инфляция даражасини паст даражада ушлаб туриш учун Марказий банк иктиёридаги барча воситалардан кенг фойдаланиш; Ҳукумат билан биргаликда истеъмол баҳолари нархларни ўсишининг олдини олиш юзасидан доимий чора-тадбирлар қўриб бориш; хўжалик субъектлари ва аҳолининг банк тизимиға бўлган ишончини янада ошириш йўлида уларға тақлиф қилинаётган банк хизматлари турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш; аҳоли жамғармаларини ҳамда хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини узоқ муддатли банк депозитлариға жалб қилиш орқали банкларнинг ресурс базасини кўпайтириш ҳамда уларни реал секторни кредитлаш йўналтириш каби вазибалардан иборат.

Буларни эмас, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни рағбатлантириш мақсадида савдо ва аҳолиға хизмат кўрсатиш тажрибдорликда жисмоний шахсларнинг пластик қарточкалари ҳамда корпоратив пластик қарточкалари орқали амалға ошириладиган ҳисоб-китоблар тармогини кенгайтириш, жумладан, пластик қарточкалар асосида коммунал тўловлар ва бошқа ҳисоб-китоб операцияларини амалға оширишни янада жадаллаштиришни ҳам режалаштирганмиз. Банкларға бозорни янада ривожлантиришда тижорат банкларининг ролини оширишда доир тегишли чора-тадбирлар амалға оширилиши кўзда тутилган. Шунингдек, Марказий банк ва тижорат банклари томонидан аҳоли ҳамда хўжалик субъектлариға депозит ҳисоб рақамларидаги маблағлар доирасида уларнинг биринчи талаби бўйича нақд пул маблағлари улқисиз берилишини таъминлаш борасидаги фаолият давом эттирилади, пировардида, нақд пул муомаласи янада такомиллашиб боради.

Бугун истиқлолимизнинг 15 йиллиги шодибенаси бўсағасида тўла ишон билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсат негизиде жаҳон андозаларига мос бўлган мустақил банк, мустақил пул-кредит тизими яратилди ва у иқтисодиётимизнинг бундан кейин ҳам барқарор ривожланиб боришини таъминлашға хизмат қилмоқда.

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда телерадиоэшитириш соҳасида радиочастота спектрдан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳукумат қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан радиочастоталарни тақсимлаш ва телерадиоэшитириш соҳасида фаолиятни амалға ошириш ҳуқуқини берувчи яқка тартибдаги лицензияларни бериш бўйича танлов ўтказилди.

Танловда Тошкент шаҳри, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро, Навоий, Жиззах, Тошкент вилёятлари ва Фарғона водийсидаги теле ва радиочастоталарға буюртмалар қўриб чиқилди. Комиссия қарорига кўра «Денов АТР» телевидениеси (Денов шаҳри), «S-Iqbol» хусусий қорхонаси (Урганч шаҳри), «Наврўз медиа» масъулияти чекланган жамият (Тошкент шаҳри), «Хамрох» масъулияти чекланган жамият (Тошкент шаҳри), «Ўзбекистон таронаси» масъулияти чекланган жамият (Тошкент шаҳри) «Oriet teleraadiokompaniyasi» масъулияти чекланган жамият (Тошкент шаҳри) голиб деб топилди.

Шунингдек, телерадиодастурларни тарқатиш билан шуғуллашувчи хўжалик юртувчи субъектларни рўйхатта олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризалар қўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

ЯНГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАСКАНИ

Ҳазорасп туманидаги «Личкочки» қишлоғида янги соғломлаштириш маркази иш бошлади. Маҳаллий тадбиркорлар ва фермерлар ҳомийлигида икки ярим ойда қўриб битказилган мажмуада бокс, гимнастика, кураш, энгил атлетика, шохмат-шашка билан қишлоқ ёшлари шуғулланишлари мумкин.

Юртбошимизнинг қишлоқ жойларида спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги гавмулҳириги тўфайли бугунги кўндe биргиға мазкур тумандаги деярли барча қишлоқларда ана шундай соғломлаштириш ва спорт мажмууалари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур масканлар ишбилармон, тадбиркор ва фермерлар ҳомийлигида барпо қилинаётгани ҳам эътиборға лўзим.

Рўзимбой ҲАСАН

НУРОТА МАРМАРИ — ЭКСПОРТГА

Нурота азалдан сифатли, бежирим мрамари билан шўҳрат қозонган. Ундан қурилишда кенг фойдаланилган. Шу сабабли қадим-қадимдан бу томонларда мрамарға ишлов бериш — сангтарошлик анча ривожланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг бу ҳудудда мрамари қайта ишлайдиган қорхоналар қўйилди. «Нуротамар» туманда ана шу йўналишда фаолият кўрсатган ирик қорхоналардан бири саналади. Хорик технологияси асосида иш юрғайтган қорхонада йилға 60 миң квадрат метр мрамар плитаси ишлаб чиқарилмоқда.

● Матбуот ва ҳаёт

СҮЛ ПАРТИЯНИНГ НАШРИ

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҒИ ДАРКОР

Сийёсий партиянинг матбуот наشري унинг мафкурасини, мақсад ва голларини тарғиб этувчи энг муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон ХДПнинг учта марказий ва бешта маҳаллий матбуот нашрлари чоп этилмоқда.

Биз кўйида Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг «Қарақалпақстан ҳақида», Наманган вилоят кенгашининг «Халқ иродаси», Сурхондарё вилоят кенгашининг «Халқ йўли», Қашқадарё вилоят кенгашининг «Эфирда Қашқадарё» ҳамда Сирдарё вилоят кенгашининг «Меҳр» газеталари тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Кейинги пайтларда — «Халқ иродаси» газетасида ХДПнинг янги Дастуридан келиб чиқиб, қўлаб таҳлилий мақолалар эълон қилинмоқда. Жумладан, «Огоҳликнинг биринчи шартин, лоқайдлик ва бепарволик асоратларидан бутунлай ҳалос бўлиш ва яна...» сарлавҳали мақола (2-сон) ана шулардан биридир. Мақолада лоқайдлик ва бепарволик иллатларининг олдини олиш, мафкуравий имунитетни шакллантириш муаммолари ҳақида сўз юритилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ХДП фракцияси аъзоси Мухаббат Абдуллаева билан сўбатда (5-6-сон) Қонунчилик палатасидаги ХДП фракциясининг фаолияти, мамлакат қонунчилигидаги ўзгаришлар ҳақида қизиқarli фирк-мулохазалар билдирилган. «Этикодими

муствақамми маслақдош?» сарлавҳали мақола (12-сон) партия мафкурасини ифода-лашда алоҳида аҳамият касб этади. Унда партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш якунланиб, партияга хайрихоҳ инсонлар сафимида сараланиб қолганлиги айтилган.

Шунингдек, газета саҳифаларидаги «Пора ва ҳаёда ёхуд иллатнинг ихтиёрлиги ҳақида», «Пора — энг оғрикли муаммо» сарлавҳали мақолада бир қатор муаммолар ҳақида фикр юритилган.

«Сўз саноатига» рўкни остида Олий Мажлис Сенати аъзоси, Чортоқ тиббиёт коллежи директори Марҳабат Болтабоева билан сўбат эълон қилинган. Унда Сенатнинг олтинчи ялпи мажлиси, унда кўриб чиқилган масалалар юзасидан фикр-мулохазалар, таассуротлар ўрин олган.

Депутатлар гуруҳи фаолиятидан Мингбулук туман Кенгаши депутатлар гуруҳи раҳбари Қосим Акбаровнинг «Ҳаёт билан ҳамнафас» номли мақоласи эълон қилинган.

Газетада «Сўз партия фаолига», «Мен нима учун ХДПни танладим?», «Фикрлашадан «Эфирда»», «ЎХДП ташаббуси билан» каби рўкнларда қатор қизиқarli материаллар, муносабат бериб борилаётти. Шунингдек ХДП вилоят кенгаши қўшидаги жамоатчилик қабулхонаси фаолияти ҳам атрофлича ёритилган.

«Қарақалпақстан ҳақида» газетасининг сўнгги ярим йиллик фаолиятига назар ташласак, унда ХДП Қорақал-

поғистон республика ташкилоти фаолияти мунтазам ёри-тиб борилган. «ХДП турмуши-руқнида халқ депутатлари Та-хиатош шаҳар ва Беруний ту-ман Кенгашидаги ХДП де-путатлик гуруҳи раҳбарлари-нинг мулоҳазалари эълон қилинган. Лекин уларда асо-сан, ўтказилган тадбирлар ҳақида сўз юритилган, холос.

Нашрнинг 2-сонида «Депу-тат минбари» рўкнида Муй-ноқ туман ҳокими, Жўқорги Кенгес депутати Ж.Турсинбе-ковнинг мақоласи эълон бе-рилган. Унда иқтисодий ис-лохотлар, ютуқлар тилга олинган, лекин ХДП ҳаёти, бу ишларда партиянинг иштиро-ки ҳақида ҳеч нарса айтилма-ган. Вақоланки, ана шундай материалларда ХДПнинг ма-фкураси, тугган позицияси, амалга оширилган ишларнинг натижаси кўпроқ ўрин эга-лаша, бизнингча мақоланинг салосилиги янада ортар эди.

Ўзбекистон ХДП Сурхон-дарё вилоят кенгаши муас-сислигида чоп этилаётган «Халқ йўли» газетаси вилоят-да ўз ўрнига, ўз ўқувчиларига эга нашрлардан бири. Унинг сўнгги ярим йилда чиққан сонларини таҳлил қиладиган бўлсак, муаммолари, таҳлилий, қизиқarli материаллар та-лайгина. Газетанинг шу йил-ги 3-4 сонида «Газ таъмино-тида ўзгариш бўладими?» сарлавҳали мақола эълон қилинган. Унда Денов туман-да аҳолини табибий газ би-лан таъминлашдаги узулиш-лар, бир қатор қишлоқларда-ги табибий газ муаммоси

ҳақида ёзилган. Шу йилнинг 20 апрель кунини чоп этилган «Шаҳарнинг «ўғай» маҳалла-си» сарлавҳали мақолада Тер-миз шаҳар Кумлоқ гузариди-га янғичи аҳвол танқид ости-га олинган. «...ўн беш йил ўтибди ҳамки, — дейилади мақолада, — бунда уй-жой қуриб яшаётган фуқаролар-нинг турмуш шароитини ях-шилаш, хусусан, гузар йўл-ларига, ҳеч бўлмаганда, шағал ётқизиш...» хонадонларни газ ва ичимлик суви билан таъ-минлаш борасидаги маҳалла, шаҳар раҳбарларига тўғри-дан-тўғри ва матбуот орқали муносабатлар жавобсиз қолиб кетмоқда...» Газетанинг шу сонидаги «Халқликнинг оғир-юки» сарлавҳали мақолада бир маҳалла оқсоқоли боши-га тушган тўхматлар, айрим раҳбарларнинг адолатсизли-ги ҳақида мулоҳаза юритил-ган. Газетанинг 13-14 сонида чоп этилган «Халқлик бўлма-ган жойда...» номли мақола-да Музабот туман «Электр тармоқлари» ва «Музработ-газ» корхоналаридаги айрим мутасаддиларнинг кўзбўйма-чиликлари фош этилади.

Айтиш жоизки, мақолалар-да кўтарилган муаммолар партиянинг дастурий мақса-дларида мустасно қўйилган. «Меҳр» газетаси янги бўлса-да, тез фурсатда ўзи-нинг ўқувчиларини топди. Га-зетани ташкил қилишда ХДП Сирдарё вилоят кенгаши ўз ёрдамини кўрсатиб, ҳозирда унга ҳоҳимлик қилиб келмоқ-да. Газета партия ташкилот-ларининг тадбирлари, қила-ётган ишлари ҳақида қисқа

лиқ қабулхоналарига фуқаро-лардан тушаётган муносабат-лар, уларнинг ечимини батаф-сил ёритилган. Шунингдек, газетани вилоят партия кен-гаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қанотининг таъсис кон-ференцияси материаллари эълон қилинган.

Фикримизча, баъзи муаммо-ли, таҳлилий, партия дастурий мақсадаларига ҳамоҳанг бўлган мазмун ёритаётганда, партия ташкилотларининг бу борадаги фаолияти, улар хузу-рида ташкил этилган жамоат-чилик қабулхоналари келиб тушган муносабатларга ҳам та-яниқла, мақолаларнинг ўқиш-лиги янада ортади.

«Эфирда Қашқадарё» газе-тасида қасан телевидение дастурлари бериб борилади. Бироқ, шундай бўлсада, унда ХДП ҳаёти муайян ўрин эгал-лаган. Газета ҳар сонининг биринчи бетиде вилоят партия ташкилоти фаолияти, ўтказил-ган тадбирлар ҳақида хабар ва ахборотлар бериб боришмоқ-да. Марказий Кенгашнинг қарор ва тадбирлари ҳақида хабарлар эълон қилинмоқда.

Ушбу газетани партия ҳаёти билан боғлиқ таҳлилий мате-риаллар ҳам бериб боришса мақсадаги мувофиқ бўлар эди.

«Меҳр» газетаси янги бўлса-да, тез фурсатда ўзи-нинг ўқувчиларини топди. Га-зетани ташкил қилишда ХДП Сирдарё вилоят кенгаши ўз ёрдамини кўрсатиб, ҳозирда унга ҳоҳимлик қилиб келмоқ-да. Газета партия ташкилот-ларининг тадбирлари, қила-ётган ишлари ҳақида қисқа

ахборотларни мунтазам бе-риб боради. Газетанинг йўналиши бироз енгилроқ, кўпроқ одамларнинг дам олиш, ҳордиқ чиқаришлари-га мўлжалланган. Уйлаймиз-ки, газета жамоаси келгу-сида партия фаолиятини ёритишга кенгроқ ўрин бе-ради.

Хулоса қилиб айтиш мум-кинки, ЎзХДП маҳаллий ке-нгашларининг нашрлари партия фаолиятини, халқ-нинг дарду-ташвишларини имкон қадар акс эттирмоқ-да. Лекин, тан олишимиз керак, уларнинг ҳар бири ҳам ҳақиқий сўл сийёсий қуч-нинг наشري сифатида ҳали ўзини тўлиқ намойён этолга-ни йўқ. Уларнинг ҳар бири-да Ўзбекистон ХДПнинг янги Дастури мазмун-моҳия-ти, партия мафкурасини очиб берадиган таҳлилий қиқишлар бармоқ билан санарили. Партиянинг пози-цияси, жамоатчиликнинг эътиборидеги воқеа-ҳодиса-ларга нисбатан муносабат газеталар саҳифаларида онда-сонда учрамоқда.

Мақсадимиз — матбуот на-шрларимиз партияимиз сўзи-ни узок-узокларда яшаётган электорат вакиллари, аҳоли турли қатламларга етказиш-га кўмаклашсинлар. Муста-қиллик йилларида мамлака-тимизда рўй берган ўзгариш-лар, уларда ХДП аъзолари-нинг иштирокини ёритсин-лар, оддий кишиларга янада яқинроқ, севиб ўқилдиған нашрларга айлансинлар.

Хуसидин БЕРДИЕВ

Исроил — Ливан

АҚШ давлат департаменти берган маълумотга кўра, Исроил Ливан жанубини бомбардирмон қилиши 48 соатга тўхтатди. Бун-га Ливаннинг Кана шаҳарчасига уюштирилган ҳаво ҳужуми нати-жасида қулаб тушган бино тағида 50 нафар тинч аҳоли вакилла-ри ҳалок бўлгани сабаб бўлди.

АҚШ давлат котиби Исроилда мамлакат бош вазири Эхуд Оль-мерт ва ташқи ишлар вазири Ципи Ливни билан учрашди.

Эхуд Ольмерт Канада ҳалок бўлганлар учун изтиробда эканли-гини билдирса-да, Ливани бомбардирмон қилиш амалиёти тўхта-тилмаслигини айтиб ўтди.

Ольмерт Кондализа Райсга Ливандаги «Хизбуллоҳ» гуруҳига қар-ши амалиёт тугатилиши учун яна 10-14 кун кераклигини айтган.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Канададаги фожиа дунёда норози-ликларга сабаб бўлаётганини айтиб, Хавфсизлик Кенгашини Ис-роил ҳужумини қоралаб, тинчлик сулҳини тузишга ундашга ча-қирди.

Маълумотларга кўра, Исроил томонидан отилган ракета уч қаватли бинога теккани фожиага сабаб бўлган. Бино ертўласида эса бир неча оила панох топан экан.



Исроил ҳарбий ҳаво кучлари офицери Амир Эшель Кана ша-ҳарчасидаги олтига нишонга зарба берилганлигини тан олди. Бироқ унинг айтишича, зарбалар кечаси соат ўн иккидан соат биригача амалга оширилган, унинг кулашига сабабчи портлаш эса эрталаб соат еттида содир бўлган.

Исроил армияси «Хизбуллоҳ» жангарилари мамлакат шимолини ўққа тутган, жавоб зарбаси берилганлигини билдиришди. Бундан ташқари Кана аҳолиси ҳаво ҳужуми ҳақида оғохланган бўлиб, улардан 48 соат ичида шаҳарчадан чиқиб кетиш сўранган экан.

Исроил ҳукумати 48 соат ичида БМТ вакиллари билан бирга-ликда Ливан жанубига инсонпарварлик ёрдамларини етказиш ишларини мувофиқлаштиришга рози бўлди.

Ўт очиш тўхтатилиши ҳақидаги хабар тарқалгач, АҚШ прези-денти Ливанда «муствақам тинчлик ўрнатиш учун» ишламоқчили-гини баён этди.

МЕКСИКА

Мексика пойтахти Мехико кўчалари президентликка номзодини қўйган чап марказчини қўллаб-қувватлашга чиққан номийишчилар билан тўлиб-тошди. У 2 июль кунини ўтказилган сайлов натижалари-ни ҳаққоний эмас, деб ҳисоблайди.

Ўтган сайловда амалдаги партия номзоди консерватор Фелипе Кальдерон галаба қозонган. Бироқ икки номзод орасидаги овоз-лар тафовути 0,5 фоизни ташкил этди.

Магбул бўлган Андрес Обратор овозлар қайтадан ҳисоблаб чиқилишини талаб қилмоқда. У 41 миллионга яқин бюллетен қўлда ҳисоблаб чиқилиши кераклигини айтмоқда.

Обратор Мехико бош майдонида тўлганларга муносабат қилиб, норозилик намойиши сифатида вақтинчалик лагерь барпо этиб, пойтахтни фалаж қилиб қўйишга қақирди.



Кўзатувчилар икки номзод орасидаги нисозлар мамлакат сийёсий ҳаётини издан чиқариб юборганини айтишмоқда.

Президент сайлови 6 сентябрь кунини эълон қилиниб, 1 декабрь кунини расман президентлик вақолатларини олиши керак.

Сайловдаги кампаниясини давомиде Гаврларда таҳсил олган Каль-дерон мамлакатта хоржий инвестицияларни жалб этиш ва Мек-сикани глобал иқтисодидега интеграциялашувини фоллаштиришни тақлиф қилганди.

Мексика собик мэри Андрес Обратор эса бюджет шаклланти-рилиши борасидаги ийрик лойихаларни тақлиф этиб, камбағал-ларга ёрдам беришни асосий мақсад қилганди.

Хуррид РАУПОВ тайёрлади.

«ОЛОЙ ДЕХҚОН БОЗОРИ» ОАЖ

акциядорлари
диққатига!
Хабар тартиб рақами 09

Умумий мажлис тури — акциядорларнинг навбат-дан ташқари умумий мажлиси.
Умумий мажлис ўтказилган вақт — 2006 йил 27 июль.
Умумий мажлис ўтказилган манзил — Юнус-обод тумани ҳокимлиги мажлислар зали.
Умумий мажлисда қатнашганлар — 42091 та овозе эа 11 та акциядор.
Қорум — 82,7%.

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «Олой дехқон бозори» очик акциядорлик жамиятига қури-лиши ва ободонлаштириш ишларига йўналтирилган маблағларни қайтариш масаласи розилар — 42035 та овоз 99,87 % ни ташкил этганлиги сабабли қабул қилинди.
2. «Олой дехқон бозори» ОАЖ директори М.З.А-дилоева ушбу вазифани амалдаги қонунчиликда бел-гиланган тартибда бажариш вазифаси юклатилди.

ЎзХДП:

ВОҚЕАЛАР ВА ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Янгийўл шаҳар, Паркент, Пискент, Бўстонлик, Қиб-рай, Шахрисабз, Деҳқонобод, Чироқчи, Гузор, Мубо-рак, Касби туман кенгашларининг навбатдаги пленум-ларида Марказий Кенгаш IV пленуми қарорларини амал-га ошириш борасида партия ташкилотларининг вазифа-лари, мафкуравий ишлар самардорлигини оширишнинг устувор йўналишлари муҳокама этилди. Шунингдек, аҳоли ўртасида маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишлар-ини кучайтириш, ХДП аъзоларининг сийёсий фаолигини оширишда бошланғич партия ташкилотлари ташаббус-кор бўлишлари лозимлиги таъкидланди. Пленумларда сўзга чиққанлар Ўзбекистон ХДП янги Дастурини ўрга-нишни кенг йўлга қўйиш ва унда белгиланган вазифа-ларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича фикрларини айтиди. Пленумларда ЎзХДП сафига қўшилган ёшларга партия-нинг янги билетлари топширилди.

Самарқанд вилоят кенгаши ва «Экосан» халқаро таш-килоти вилоят бўлими ҳамкорлигида «Самарқандда ту-ризм ва экотуризм барқарор тараққиёт мақсадида» ши-ори остида вилоят фестивали ўтказилди. Унда давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Самарқанд туризм ва экотуризмни ривожлантириш учун қулай замин. Шаҳарнинг қадимий ва навқиронлиги бутун жаҳон ахлини қизиқтиради. Ундан ташқари, вилоятда хуш-манзара қадимжолар, сўлим ва баҳова гушалар жуда кўп. Уларга сайёҳларни кўпроқ жалб этиш, замонавий сервис хизматини йўлга қўйиш масалалари, бу ишларда партия ташкилотлари, фаолларининг иштирокини йўлга қўйиш ҳақида фестивал иштирокчилари ўзаро фикр алмашиди-лар. Тадбир якунида бир гуруҳ фаолларга ЎзХДП Марка-зий Кенгаши Фахрий ёрликлари ва янги партия билетла-ри топширилди.

Навоий шаҳар кенгашида партия фаоллари, БПТ раис-лари иштирокида йўғилиш ўтказилди. Унда янги партия билетларини топшириш, шу билан бирга мафкуравий, тарғи-бот-ташвиқот ишларини кучайтириш ва партия ҳаётига оид бошқа масалалар муҳокама қилинди. Шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Л.Собирова, ХДП Навоий вилоят кенгаши раиси ўринбосари У.Мусаев, шаҳар солиқ инспекцияси, «Ки-зиққўлмент» ОАЖ БПТ раислари Н.Норматов, А.Ахмедов ва бошқалар бу борада ўз мулохазаларини билдирдилар.

Хива тумани Ирдиэмзон қишлоғи стадионида «Езги таътил — 2006» спорт мусобақалари доирасида футбол бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Тадбирда туман ҳоки-ми Д.Аллакулиев, ЎзХДП туман кенгаши раиси М.Бекча-нов, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими раиси Р.Собировлар ёшларни фаолликка, яхши дам олиб янги ўқув йилини аъло баҳолаб билан бошлашга қақирди. Фолларга ту-ман партия кенгаши ўз совгалларини топширди.

Серегили туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаб-буси билан «Ёшлик» маҳалласида «Оила тинчилиги ва саломат-лиги — эл-юрт фаровонлиги» мазмунда давра сўхати бўлиб ўтди. Унда маҳалла фаоллари, ёшлар, тиббиёт ходимлари, туман меҳнат бўлими ходимлари иштирок этдилар.

37-оилавий поликлиниканинг маҳалладаги филиали раҳ-бары Татьяна Дроздова, тиббиёт фанлари номзоди Али-жон Аминов аёллар ва болалар соғлигини асраш бораси-даги бугунги долзарб вазифалар, гиёҳвандлик, чекиш, ич-киликбозликнинг салбий оқибатлари ҳамда уларга қарши курашиш хусусида тўхталдилар. Шунингдек, тадбирда оила саломатлиги ва тинчлигини таъминлашда ижтимоий фой-дали меҳнат билан банд бўлишниг аҳамияти катта экан-лиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

Иқтисод ва ислоҳот

КАСАНАЧИ КҮП, КҲМАҚДОШ ЙҲҚ

МУАММОЛАР ЭСА БИР ТАЛАЙ.
АММО ХУНАРМАНДЛАРНИНГ ЖҲЯЛИ ТАКЛИФЛАРИ БОР

Иккинчи мақола

Эътиборли бир мисол: Жаркўргонда уйда ўтириб сандиқсозлик билан шуғул-ланадиган хунармандлар ма-ҳалласи бор. Улар сандиқ, хонтахта ва бошқа уй-рўзгор буюмлари тайёрлашади.

Маҳаллада бордик. Уста Рашид Эшмуродов хонанди-мизмиз. Унча катта бўлма-ган ҳовлида ҳар хил ҳажм-даги терак, ўрик, ёнғоқ да-рахтлари қундалари, ёғоч-тахта бўлаклари уюлиб ту-рибди. Бир томонда уста-нинг фарзандлари ёғоч ке-сиш ускуналари билан ҳар хил ҳажмида тахтачалар тай-ёрлашди.

— Сандиқ ясаш учун си-фатли ёғоч, тунука, ҳар хил бўёқлар ва турли ҳажмидаги миҳ зарур, — дейди Рашид-жон. — Лекин охириги пайт-да ишимиз силлиқ кетмаёт-ти. Бир лист (табоқ) тунука, бир квадрат метр ёғоч-тах-та ёки бир кило миҳнинг нархи фалон пулга чиқди. Ҳозир бизда бир страпила (муайян ҳажмида кесилган ха-ри)ни 10 миң сўмдан ками-га беришмайди. Самарқанд, Тошкент томонларда бу маҳ-сулотларни анча арзон деб эшиттамиз. Кўп ва арзон ёғоч, тунука олиб келиш учун мўмай маблағ керак. Бунинг учун биз касаначиларга бан-клардан кам фоизли креди-тлар ажратиб жорий этилса, бозорларимизни ранг-ба-ранг буюмлар билан тўлди-ришга хисса қўшган бўлар-дик. Иккинчи бир муаммо шуки, маблағ топиб, кўпроқ ёғоч, тунука олиб келадиган бўлсак, мутасаддилар йўлда ҳужжат талаб қилишади. Шу-нинг учун касаначиларга ол-диндан маҳсулот келтириш-га рухсатнома бериш тарти-бинини ўйлаб кўриш зарур... Охириги пайтда яна бир му-аммога дуч келямиз:

электр энергияси таъминоти-даги чеклашган туфайли, со-латиб ишсиз ўтиришга маж-бурмиз... — Хонадон шaroитида бир неча йилдан буён тош уйма-корлиги билан шуғулланаман, — дейди хунарманд касаначи Турди Мусурмонов. — Тайёр маҳсулотни сотишга жой йўқ. Биласиз, одамлар энг кўп йи-ғиладиган жой, бу — бозор. Жаркўргон бозорига мармар тахта сотилганда биргина нуқта бор. Уям бировнинг бир метрлик торғина жойида ижа-рада. Агар бизнинг ҳам мар-казроқда дўконимиз бўлган-да эди, рақобат пайдо бўлар-ди. Рақобат бор жойда маҳ-сулот арзонлашади, сифати яхшиланади. Бозор маъмури-ятига бир неча бор муносабат қилдик, жой йўқ, дейишди. Иккинчидан, имтиёзли кредит ажратиб масаласи. Биз мар-мар тошларни Самарқанд, Шахрисабз ва Нурота конла-ридан келтиришимиз. Нархи қимбат, йўл ораси. Бир ква-драт метрга ҳам, юз квадрат метрга ҳам машина ёллаш за-рур... Агар касаначиларга им-тиёзли кредит берилса, хо-машини кўпроқ келтириб, элга хизмат қилаверардик.

— Хунарманд, қосиб ва ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқар-увчи тадбиркор касаначи-лар бизга нисбатан ҳам во-дийда кўпроқ, — дейди ту-ман «Хунарманд» уюшмаси мутахассиси Абрахам Тожи-ев. — Хар йили Фарғона, Ан-дижондан кўп хунармандлар келишади. Масалан, бир йилдирик, андижонлик Ху-дойберди Турғунов шогирд-лари билан Жаркўргонга ке-либ (ижарада яшаб), юмоқ мебоеллар тайёрлашапти. Улар ясаётган буюмларга ха-ридорлар етарли. Демокчи-манки, четдан келаятган шар-шай хунармандларга Жар-

кўргонда шароит яратиб берсак ва улар ёнига маҳал-лий ёшларни қўйсак, бекор юрган кўп ўсмирлар хунар ўрганишарди... Туманимизда анчадан буён бўш ётган бинолар бор. Шу-ларда дўконлар очиб, каса-начи хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар сав-доси ташкил этилса, ёшлар-да бу касбга ҳавас уйғонар-ди.

Ҳозир, Жаркўргонда ўз хо-надонларида якка касаначи-лик фаолияти билан шуғулла-наётган фуқароларнинг 45 на-фари туман «Хунарманд» уюшмасига бирлашганлар. Вақоланки, ҳисоб-китоб қилинса, касаначилар сони икки қарра кўлиги ойдинла-шади. Улар уюшмага энг кам иш ҳақининг икки баровари миқдориде аъзоллик бадали тўлашсапти. Аммо уюшманинг касаначиларга ёрдами сезил-маяпти... Уюшманинг ҳамма аъзоси бир вақтнинг ўзида аъзоллик бадали топширгандам 100-150 миң сўм атропоид маб-лаг йўғилмоқда. Уюшма раҳ-барияти бу маблағ ҳисобига бозордан бироз арзонроқ нархда хар хил матолар ха-рид қилиб, тикувчилик-бичу-чилик билан шуғулланаётган касаначи хотин-қизларга тар-қатади. Улар бу матолардан зарур буюмлар тайёрлаб, бо-зорда сотгандан сўнг уюшма-нинг маблағини яна қайтари-шапти. Узингиз ўйлаб кўринг, уюшма томонидан бундай им-коният йилига бир-икки мар-та яратилиши мумкин. Каса-начилар эса уюшмага аъзо-лик бадали тўлашига сабаб, уюшма уларга аъзоллик хусу-сида ҳужжат берган. Шу ҳуж-жат эса ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни бозорда со-тишга «таянч» рухсатнома, хо-лос.

— ХДП дастури билан та-нишман, — дейди уюшма раҳбари Урол Қосимов. — Партия аҳолийнинг меҳнатга қобилиятли қисмини, шу-нингдек хотин-қизларни тўла иш ва меҳнат шaroитлари билан таъминлаш тарafdо-ри. Бу борада партия кичик бизнесни тараққиёт этириш ҳамда тармоқчи микрокре-дитлашнинг қонуний мустаҳ-камлаш, касаначиликни ри-вожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Мамла-катимиз раҳбарининг каса-начиликни ривожлантириш-га оид фармонини биринчи-лар қатори қўллаб-қувватла-ган ва жойларда касаначи-ликни оммавий тус олишига хисса қўшаётган ЎзХДП аъзолари жуда кўп...

Президентимиз касана-чилик фаолиятини яхши-лашга оид фармониде меҳнатнинг бу тури билан машгул фуқароларга турли имтиёзлар берилиши таъ-кидланган. Агар якка тар-тибдаги касаначиларнинг кредит олиш масаласига жойларда ХДП туман ке-нгаши вакиллари бош-қош бўлишса, хунарманд каса-начиларга у-бу материал-лар олиб келиб бериш им-кони тўғрисида, бозор маҳ-сулотга тўларди... Иккинчи масала, бу — ер масаласи. Туман ҳокимлиги ер захи-раси фондидан ихтиёрни-мизга ҳеч бўлмаса 3-4 гек-тар ер ажратса, аъзолари-миз билан у ерда тол, те-рак, ўрик сингари тез ўсув-чи дарахт кўчатлари кўкар-тириб, узоғи билан уч-тўрт йилда хунармандлар муш-қулини осон қилардик...

Усонали НОРМАТОВ,
ЎзХДП Сурхондарё
вилоят кенгаши
матбуот маркази
ходими

Орамиздаги одамлар

ЭЗГУЛИККА ДАХЛДОР УМР

Касби-корим туфайли жуда кўп адабий учрашув, бахс ва суҳбатларда бўлганман. Борди-ю, бундай давраларда гап айлаиб устоз Мақсуд Қориев ҳақида боргудек бўлса, кўпчилик уни мохир қаламкаш ва катта адиб сифатида эътироф этади. Яқинда яна муаллифнинг «Фазнавийлар» номли янги тарихий романининг нашр этилиши баҳонасида бир қатор вилоятларда, у ердаги нуфузли илм даргоҳлари, қолаверса мактабларда қизгин бахс-мунозара, самимий суҳбатлар бўлиб ўтди. Сўзга чиққанларнинг барчаси адиб Мақсуд Қориевнинг ҳаёти ва ижоди эзгуликка дахлдор эканлигини айтиб ўтдилар.

Айниқса, Самарқанддаги учрашувлар яна ҳам мароқли, мазмунли бўлди десак хато бўлмас. Каттақўрғон туманидаги Орзи Маҳмудов номли 17-ўрта мактабда ўтказилган учрашув ёшлар ва мураббийлар учун ҳам ниҳоятда эсда қоладиган воқеа бўлди. Негаки, адибнинг «Фазнавийлар» романи 23 боб бўлса, ҳар бирини шунча бола ёд олибди. Бундан ташқил этган адабиёт ўқитувчиси эмас, география ўқитувчиси Зулайхо Эргашева эканлиги бизни янада ҳайратга солди. Уларнинг ҳар бири ўз иқтидорларини, китобга, адибга, адабиётга бўлган қизиқишларини қойилмақом тарзда намойиш этишди.

Учрашувни Каттақўрғон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Неймат Расулов яқунлар экан, «Биз яхши адибларни, яхши китобларни соғинамиз. Зеро адиб ҳам, китоб ҳам эзгулик йўриқларидир. Эзувчи Мақсуд Қориев билан бўлган бу учрашув ана шу чанқоқликни бир қадар қондириш» деди.

Чиндан ҳам атоқли адиб ва журналист Мақсуд Қориев қарийб олтинчи йилдан буён республикамиздаги нуфузли газета-журналларда масъул вазибаларда ишлаб оддий журналистликдан атоқли адиб даражасига етган, шу билан бирга чинакам инсонлигини намойиш этган ижодкорлардан биридир. Мақсуд Қориев дастлаб ҳуқуқшунос сифатида ўз фаолиятини бошлаган бўлса-

да, кейинчалик бутун умрини журналистикага бағишлади. У ҳуқуқшунослик фанлари номзоди сифатида кўп йиллар давомида талабаларга маърузалар ўқиди. Аммо ана шу соҳага оид бир мақола сабабли журналистиканинг машаққатли, аммо шарафли йўлига кирди.

Адибнинг хотирлашича, бир мақола ёзиб ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетаси тахририятига олиб боради. Ўша давраларда газетда бўлим мудири бўлган Баҳром Раҳмонов мақолани ўқиб, уни бош муҳаррир ҳузурига етаклайди. Фақат мақолага эмас, унинг муаллифи ёш аспирант ҳам улар эътиборини тортади. Шу тариқа журналистик касби Мақсуд Қориевнинг қисматига айланади. Ўтган асрнинг қирқинчи йилларининг охирида бошлаб ўшбу газета унга катта ҳаёт ва ижод, қолаверса маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилди. Айни чоғда замонанинг улғу олимлари, устоз адиблар ва обрўли журналистлар билан бўлган доимий мулоқотлар, ҳаёт билан ҳамнафаслик, ўқиб-ўрганиш, тинимсиз излашлар уни эл-юрт назарига кўтарди. Мақсуд Қориев «Тошқанд ҳақиқати» газетасида аввал муҳаррир ўринбосари, сўнгра бош муҳаррир вазифида ишлади. Шундан сўнг салкам чорак аср мобайнида республикамизнинг етакчи газетаси бўлиши ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасига муҳаррирлик қилди. Бу йилларда у кўзга кўринган журналист ва публицист сифатидагина эмас, балки бағрикенг устоз, одамоҳун раҳбар сифатида ҳам эл-юртга танилди.

Мақсуд Қориев табаррук ёшда бўлишига қарамаддан ҳали-ҳамон сафда. У «Ўзбекистон овози» газетаси тахририяти маънавият ва маърифат жамоатчилиги кенгашига бошчилик қилмоқда.

Мақсуд Қориевнинг ҳам ўнлаб жажжи ҳикояларидан тортиб, қатор қисса-ю, «Спи-



Мақсуд Қориев чеваралари Амир ва Асололар билан.

тамен» («Сўғд ўғлони»), «Ибн Сино» каби романи ана шу давр синовларидан ўтиб, қайта-қайта чоп этилиб келмоқда. Бунинг боиси, адиб қалбидидаги эзувчилик ташналик, элга-юртга қилинган хизматлари, виждон ва имонидир. Мақсуд Қориевнинг бадиий ижодида кириб келиши, шингил ҳикоялардан бошланган. Кейинчалик у яратган ўнлаб ҳикоялар жиддий асарлар сифатида баҳоланиб, қайта-қайта нашр этилди. Кузатишимизча, адибнинг бундай ҳикояларини туркум жиҳатдан иккига ажратиш мумкин. Биринчи тоифадаги ҳикоялар асосан истиқлолгача бўлган давр маҳсули бўлса, иккинчи тоифадаги ҳикоялари истиқлол йилларида яратилган замонавий ва тарихий асарларни ташкил этади. Шунингдек,

ёзувчининг ўнлаб бадиалари ҳам мавжудки, улар ҳаёт ва тарих ҳақиқатига мослиги, ихчам ва самимий тасвир услуби билан ажралиб туради. Ана шу ранг-баранг ҳикояларга хос лирик тасвир усули унинг ўнга яқин қиссаларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, «Ойдин кечалар», «Жийда гуллаганда», «Ой тугилган кеча», «Афросиёб гўзали», «Турналар баланд учди», «Қалдиригочлар баҳорда келади», «Эзгулик истаб» каби қиссалари гоё қизиқарли, содда ва раво услуби билан нафақат адиб ижодида, балки ўзбек қиссачилиги ривожига муносиб ўрин олган.

Мақсуд Қориев тажрибали романистлардан биридир. Унинг санаб ўтилган тарихий романи адабиётимиз тараққиётида ўзига хос ўринга эга. Бу асарларида адиб қадим аждодларимизнинг ибратли ўтмиши, халқимизнинг азалдан мавжуд буюқ тарихи ҳақида жуда таъсирли ҳикоялар сўзлайди. Адибнинг «Фазнавийлар» романида эса газнавийлар даврида содир бўлган фожияларга қарамай илм-фан ва маданият ривож топганлиги аниқ тарихий воқеалар, далил ва рақамлар баён этилади. Энг муҳими, ўшбу асарда Маҳмуд Фазнавий ва буюқ шоир Фирдавсий муносабатларидаги мавҳум қирраларга бир қадар аниқлик киритилиши маъруза романи қимматини, бадиий-эстетик моҳиятини янада оширган.

Мақсуд Қориевнинг эл-юртимиз, адабиёт ва маданиятимиз олдидаги самарали меҳнати ўз вақтида ҳуқуқимизга тўғрилик муносиб тақдирланди. У Ўзбекистонда қайта-қайта кўрсатган маданият ходими, «Шурхат» медали ва «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби, энг муҳими, минглаб китобхонлар хурмати қозонган, бугунги кунда ҳам эъзозланиб келаётган адибдир.

Собир МИРВАЛИЕВ, филология фанлари доктори, профессор

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ АВТОРАЛЛИ

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари ўтган дам олиш кунлари жаҳоннинг энг сара автомобилларини ўз ичига олган ноёб машиналар туркуми билан танишиш имконига эга бўлди. Буюк ипак йўли — «Амстердам-Пекин» йўналиши бўйлаб халқаро автораллида иштирок этиш учун йўлга чиққан юзга яқин машина бир оқшом Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонаси олдида тўхтади.

Ноёб машиналар колоннаси уч кун давомида «Бухоро-Шахрисабз-Самарқанд-Тошкент» йўналиши бўйлаб Ўзбекистон заминини кесиб ўтди. Автопойганинг мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб ўтишини ташкил этишга жалб қилинган турли тузилмалар ишини мувофиқлаштириш «Ўзбектуризм» миллий компаниясига юклатилган эди. Рағби муносабати билан жойларда вилоят ва шаҳар ҳокимликлари томонидан қатор маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Мингйилликлар давомида қадимий транзит йўли — Буюк ипак йўли Шарқ ва Ғарбни боғлаб келган. Савдогарлар, сайёҳлар ва олимлар отлар ва туяларда бу йўллардан мамлакатлар оша юрган. Улар нафақат савдо-сотикнинг ривожини, балки турли халқлар маданиятини бойитишга хизмат қилган. Бугун ЮНЕСКО шафелигида Буюк ипак йўлини тиклашга оид халқаро дастур амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ҳам унда фаол иштирок этмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабздаги қадимий меъморилик дурдоналари, инсоният тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюқ аждодларимизнинг номлари бутун дунёга маълум. Ўзбекистоннинг қатор шаҳарлари Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Мустақиллик йилларида неча минг йиллик тарихимизга доир кўплаб ёдгорликлар таъмирланди. Улар бугун бетакрор гўзаллиги ва улғурлиги билан минглаб хоржий сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда. «Амстердам-Пекин» автораллиси йўналишига Ўзбекистоннинг қўшилиши бой маданий меросимиз ва 15 йил олдин ўзининг мустақил тарққиёт йўлини танлаган халқимизнинг бугунги ҳаётига жаҳон жамоатчилигининг катта қизиқишининг яна бир тасдиғи бўлди.

Ўз машинасида мамлакатимиз бўйлаб кўп километрлик йўлни босиб, катта таассуротлар олган автопойга катнашган халқимизнинг яшира олмайд.

— Рағлидаги иштирокчи Ўзбекистонни кўриш имконини берди, — дейди 1973 йилда ишлаб чиқарилган «Опель» хайдоқиси, амстердамлик тижоратчи Дик Белинк. — Юртингиз ҳадал ривожланган, ҳавас қилса арзийдиган ажойиб мамлакат. Муҳими, улкан иқтисодий ўзгаришлар маданий меросингизни асраб-авайлаш билан уйғунликда олиб боришмоқда. Самарқанднинг мовий гўлбазлари, Бухоро, Шахрисабзнинг қадимий саройлари, масжидлари, макбаралари кишини ҳайратга солади. Пойтахт Тошкент ҳам бир умр ёлмида қолади. У жуда замонавий шаҳар. Ажойиб майдонлари, кўприклари, кўркам боғларини бинолари Шарқ меъморичилигига уйғунлаштириб кетган. Ўзбекистонда бизни жуда илиқ кутиб олишди. Одамларнинг очкиқўнгли ва меҳрибон экан. Халқингиз маданияти, удуллари, анъаналари, тарихи билан яхшироқ танишиш учун бу ерга яна келишни ният қилдим. Ўз тажрибамдан ишонч ҳосил қилдимки, Буюк ипак йўлини тиклаш дастури мамлакатлар ва халқларни яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

... Эрта тонгда яна моторлар гуриллаб кетди. Олдинда — авторалли иштирокчиларини Қирғизистон ва Қозғистон орқали Хитойга олиб борадиган янги йўллар кутмоқда эди. Автопойга 13 августда Пекиндаги Тяньмень майдонида ниҳоясига етди. Бу улкан халқаро тадбир неча минг йиллар илгари ҳамкорлик йўли сифатида яратилган Буюк ипак йўлининг бугун ҳам нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканини яна бир бор намойиш этди.

А.ИВАНОВА, ЎЗА муҳбири




Суратда: пойгадан лавҳа. Сарвар ЎРМОҲОВ (ЎЗА) олган сурат.


Интер-спорт

РОЙ ЖОНС ЯНА ЧЕМПИОН

Афсонавий боксчи, америкалик Рой Жонс узоқ вақт рингга кўтарилмаган эди. Яқинда у ватандоши Бади Аҳам билан жанг қилди. Тўғриси, жанг пайтида Ройнинг қўли баланд эканлиги кўзга ташланган эди. Унинг аниқ зарбалари очко тўплашга имкон берди. 37 баҳорни кўрган ярим енгил вазндаги собиқ мулқаж жажон ва WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазндаги жажон чемпиони номига сазовор бўлган Рой бу сафар жангнинг учинчи раундида ўзига хос кучли зарб билан рақибани қўлга киритди. Ҳакамлар унинг фойдасига 119:116 деб эътибор қилди. Шундай қилиб, Рой бу сафар Шимолги Америка бокс уюшмасининг ярим енгил вазндаги чемпиони номига сазовор бўлди. Энди унинг ҳисобидидаги барча галабалар 50 гага етди.



ЖАР ФУТБОЛЧИЛАРИГА БРАЗИЛИЯЛИК МУРАББИЙ



Бразилиялик футбол мураббийси Карлос Альберто Паррейра Жаңубий Африка Республикаси терма жамоасига бош мураббий этиб тайинланди. У Жаңубий Африка футбол уюшмаси билан 4 йиллик шартномага имзо чекди. Карлос Африка футболчиларини 2010 йили ЖАРда ўтадиган жаҳон чемпионатида тайёрлайдиган бўлди.

Маълумки, Карлос Германияда яқунланган жаҳон чемпионатида Бразилия футболчиларига бошчилик қилган эди. Муҳлислар жаҳон чемпионлигининг чорак финалдан нарига ўтолмаганини яхши билишади. Эслатамиз, Карлос бошчилигида Бразилия терма жамоаси АҚШда 1994 йили жаҳон чемпиони бўлган.

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Хатирчи туман бўлими бош ҳисобчиси **Эйф Камолович ХУСАЙНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этамиз. **Бир гуруҳ дўстлари.**

«KIMOSHI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 31 август ва 7, 14 сентябрь кунлари соат 11.00 да республика Кўчмас мулк биржаси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйдаги кўчмас мулклар қўйилади:

- Тошкент вилояти хўжалик судининг қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Ўртачирчиқ» ОАЖ балансидаги:
- «Қорасу» ХХСИСКга қарашли бино ва иншоотлар (омборхонадан ташқари), (Ўртачирчиқ тум., Қорасу қ.)
Бошланғич баҳоси — 7 770 910 сўм.
 - «Қорасу» ХХСИСКга қарашли 13-сонли дўкон биноси (Ўртачирчиқ тум., Киров булими).
Бошланғич баҳоси — 170 000 сўм.
 - «Қорасу» ХХСИСКга қарашли 10-сонли дўкон биноси (Ўртачирчиқ тум., Учхоз ш/х).
Бошланғич баҳоси — 1 140 000 сўм.
 - «Ўртачирчиқ» ХХСИСКга қарашли 8-сонли дўкон биноси (Ўртачирчиқ тум., Авангард қ.).
Бошланғич баҳоси — 1 270 000 сўм.
 - «Ўртачирчиқ» ХХСИСКга қарашли 15-сонли дўкон биноси (Ўртачирчиқ тум., Оқолтин булими).
Бошланғич баҳоси — 5 420 000 сўм.

- «Ўртачирчиқ» ХХСИСКга қарашли 16-сонли дўкон биноси (Ўртачирчиқ тум., Ким Пен Ҳва, Мустақиллик маҳалласи).
Бошланғич баҳоси — 1 140 000 сўм.
- «Ўртачирчиқ» умумий омақталаниши АЖга қарашли қандалат цех биноси ва иншоотлари (Ўртачирчиқ тум., Тўй-Тена ш.).
Бошланғич баҳоси — 30 270 000 сўм.
- «Ўртачирчиқ» АЖ «Таъминот» ХХМДга қарашли омборхона (Ўртачирчиқ тум., Қорасу қишлоғи, Тошкент йўли кўчаси).
Бошланғич баҳоси — 1 692 700 сўм.
- «Ўртачирчиқ» АЖга қарашли «Нон» ишлаб чиқариш корхонасининг жиҳозлари ва хўжалик асбоб-ускуналари (Ўртачирчиқ тум., Тўй-Тена ш., Дўстлик кўчаси).
Бошланғич баҳоси — 40 672 100 сўм.
- «Ўртачирчиқ» АЖга қарашли қурилиши тугалланмаган уй (Тўй-Тена ш., Калинин кўчаси).
Бошланғич баҳоси — 1 982 000 сўм.

- Тошкент вилояти хўжалик судининг қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Чиноз матдубот савдо» МЧЖ қошидаги «Чиноз умумий омақталаниши» шўба корхонаси балансидаги:
- Умумий омақталаниши корхона идораси (Чиноз тум., Олмазор қўрғони).
Бошланғич баҳоси — 1 980 005 сўм.
 - Бостирма.
Бошланғич баҳоси — 10 267 сўм.
 - Чойхона биноси (Чиноз тум., янги Чиноз қ., Наврўз кўчаси).
Бошланғич баҳоси — 2 469 105 сўм.
 - Бостирма.
Бошланғич баҳоси — 73 379 сўм.
 - Наврўз кафеси (Чиноз тум., Олмазор қ.к.).
Бошланғич баҳоси — 4 336 412 сўм.
- Тошкент вилояти хўжалик судининг қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Чиноз матдубот савдо» МЧЖ балансидаги:

- Трактор.
Бошланғич баҳоси — 1 027 318. 4 сўм.
 - Савдо асбоб-ускуналари ва маҳсуе техникалари.
Бошланғич баҳоси — 3 581 635. 21 сўм.
- Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмилаштириш савдо бошланғичидан 1 соат олдин тўхташилади.
- Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда зақалат пули тўлаши шарт.
- Зақалат пули «KIMOSHI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000304265383003, КОД-00876, СТИР 204563716 ўтказилади.
- Қўшимча маълумотлар учун «Kimoshdi savdolari agentligi»га мурожаат қилишингиз мумкин.
- Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Камиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй, республика кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.
- Маълумот учун телефон/факс: 399-80-23.

Итоги торгов прошедших 20-27 июля 2006 года в агентстве «Kimoshdi savdolari»

№	Наименование объекта	Продажная цена (тыс. сум)	Дата торгов
1.	Автомашина марки ЗИЛ-130, гос.номер 10AG 596	2460,0	20.07.06
2.	Автомашина марки КРАЗ-250, гос.номер 10AR 833	9600,0	20.07.06
3.	Полу прицеп ОДАЗ-9370, гос.номер 26-98ТН	750,0	20.07.06
4.	Автомашина марки РАФ-220308-01, гос.номер 10AR 830	1970,0	20.07.06
5.	Полу прицеп ОДАЗ-9370, гос.номер 10С 535	1500,0	20.07.06
6.	Полу прицеп МАЗ-9370, гос.номер 10С 529	4400,0	20.07.06
7.	Полу прицеп ОДАЗ-885, гос.номер 33-82 ТН	650,0	20.07.06
8.	Полу прицеп ОДАЗ-9370, гос.номер 10С 527	700,0	20.07.06
9.	Автомашина марки ПАЗ-672М, гос.номер 10AB 364	1215,0	20.07.06
10.	Автомашина марки КамАЗ-54112, гос.номер 10AR 832	9000,0	20.07.06
11.	Автомашина марки ЗИЛ-431416, гос.номер 96-86 ТНМ	1925,0	20.07.06
12.	Автомашина марки РАФ-220306-01, гос.номер 10AR 786	1700,0	20.07.06
13.	Автомашина марки ИЖ-2715, гос.номер 97-85 ТНБ	800,0	20.07.06
14.	Автомашина марки ЗИЛ-4314, гос.номер 10AR 834	2200,0	20.07.06
15.	Автомашина марки КамАЗ-54112, гос.номер 10AY 672	9000,0	20.07.06
16.	Автомашина марки ЗИЛ-4502, гос.номер 10AY 671	4200,0	20.07.06
17.	Автомашина марки РАФ-220308-01, гос.номер 10AR 831	970,0	20.07.06
18.	Автомашина марки Москвич 21410-1, гос.номер 10AZ 312	450,0	20.07.06
19.	Автомашина марки Сиело, гос.номер 10UZ 502	2600,0	20.07.06
20.	Автомашина марки УАЗ-3303-01, гос.номер 96-59 ТН	1 100	27.07.06
21.	Автомашина марки ЗИЛ-431416, гос.номер 10AR 836	4 200	27.07.06
22.	Полу прицеп марки ОДАЗ-9370, гос.номер 10С 528	700	27.07.06

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla Oripov
Latif G'ulomov
Asliddin Rustamov
Ashur Qodirov
Bobir Alimov
Farruh Hamroyev
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul Sultonov
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey Orlov
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo Shakarov
Nomoz SA'DULAYEV
To'lepbergen
Qaipbergenov
Muslihdin Muhiddinov
Olim Murodov
Abdug'ani Mamasidqov
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot
133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifot
133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-76-21
Ekologiya va salomatlik
133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib
133-72-83
Reklama va e'lonlar
133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: **Alisher RO'ZIYEV**

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: **Sobirjon TUNG'ATOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1052
7452 nusxada bosildi
t — Tixorot materyali
O'za yakuni — 21.40
Topshirish vaqti — 23.00
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda